Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларига

8-ИЛОВА

**2022 й. «20» январь дағи ___Шахрисабз т ХТБ___________ ва ____Шахрисабз туман ЭТК__ ўртасида**

**55176300 сўм умумий суммага тузилган 360615/1- сонли шартномага**

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ***

Боб____7096

Шахсий ғазна ҳисобварақ_**10002286010245709210007512 4**

(сўмда)

| 2021 й. ойлар номи. | Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди) | | | Жами |
|---|---|---|---|---|
| | 4221000 | … | … | |
| Январь | 18382050 | | | 18382050 |
| Февраль | 18382050 | | | 18382050 |
| Март | 18412200 | | | 18412200 |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| Жами йил бўйича | **55176300** | | | **55176300** |

Жами **55176300**сўм (_эллик беш миллион бир юз етмиш олти минг уч юз ) сум

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан ________ сўм ёки шартноманинг умумий суммасидан 100 %*** 2022й

____________ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига __100__ % жорий ойнинг ____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари : ____________ А.Гофуров

(имзо)

М.У.

Буюртмачи

бош бухгалтери: ____________ О.Бердиёров.

(имзо)

Ғазначилик бўлинмасининг

ходими қабул қилди_____________

(имзо)

2022 й. «___» ___январ________

Буюртмачи ходими

қабул қилди _____________

(имзо)

2022 й. «___» ___январ________

# ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ТУГРИСИДА ШАРТНОМА

№ 360615/1

**Шахрисабз туман** «20» январь 2022 й.

Шахрисабз туман ЭТК (ташкилот, корхона номи) кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Ўзининг низомиасосида иш юритувчи Х.Халимов (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва Шахрисабз туман ХТБ (корхона, ташкилот, муассаса номи), кейинги ўринларда "Истемолчи" деб юритилади. Ўзининг низоми асосида иш юритувчи А.Гофуров (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар.

## I. ШАРТНОМАНИНГ МОХИЯТИ

1.1.Ушбу шартнома буйича "Таъминотчи" "Истеъмолчи"нинг буюртманомасига мувофик уланган тармок оркали электр энергияси етказиб беришни уз зиммасига олади. "Истеъмолчи" эса мазкур шартноманинг 1- иловасида белгиланган кувватдаги электр энергиясини кабул килиб олиш ва илова килинадиган жадвал асосида бюджетда ажратилган маблаглар хисобидан хак тулашни уз зимасига олади.

1.2.Бюджет ташкилотининг йил давомида смета харажатларига киритиладиган узгаришлар доирасида хизмат курсатувчи, хизмат олувчилар томонидан узаро келишилган холда шартнома суммасига узгартиришлар киритишга хаклидирлар.

1.3.Фойдаланадиган электр энергиясининт йиллик хажми 122614 кВт.с ташкил килади.

## II.ТАРАФЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. "Истеъмолчи"нинг хукуклари:

а)"Таъминотчи"дан шартномада курсатилган микдордаги электр энергиясини электр тармокларининг булиниш чегарасига етказиб беришни;

б) электр тармокларининг баланс буйича тегишлилик чегарасида электр энергиясининг сифат курсаткичларини шартнома ва стандартларда белгиланган микдорда саклашни;

в)электр энергияси истеъмолининг ойлик шартномавий микдорини чораклик микдор доирасида жорий чорак мобайнида 2 марта (1- ва 2-ойларда улар тугагунгача 10 кундан кечикмай) кайта таксимланишини "Таъминотчи"дан талаб килишга хаклидир.

г)электр тармокларининг булиниш чегарасида зарур сифатга мувофик булмаган электр энергияси етказиб берилганда "Истеъмолчи" уз хохишига кура:

муддатлар бузилган ёки зарур сифатга мувофик булмаган холда етказиб берилган электр энергиясини кабул килишни ва хакини тулашни рад этишга

г) "Таъминотчи"дан шартнома шартларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни, бой берилган фойдани копланишини талаб килишга хаклидир.'

2.2."Истеъмолчи"нинг мажбуриятлари:

а) Хисобга олиш жойи электр тармокларнинг "Таъминотчи" билан баланс мансублиги буйича булиниш чегарасига утказилсин (истеъмолнинг хисобга олинишни булиниш чегарасида амалга оширилмаган вазиятларда);

б)электр тармоклари, асбоб ускуналарининг тегишли техник холатини ва хавфсизлигини таъминлаш;

в)электр энергиясини истеъмол килишнинг урнатилган тартибига риоя килиш хамда электр энергиясидан фойдаланишда юзага келадиган авариялар, ёнгинлар, электр энергиясини хисобга олиш асбобларидаги носозликлар хакида "Таъминотчи"га хабар бериш;

г) реактив энергия ишлаб чикарувчи ускуналарнинг иш режимига риоя килиш шартноманинг;

д)истеъмол килинадиган электр энергиясини хисобга олиш асбоблари ва улардаги тамгаларнинг бутлиги ва сакланишини таъминлаш;

е)ишлатилган электр энергияси учун туловларни уз вактида амалга ошириш.

2.3 "Таъминотчи" нинг хукуклари:

а)"Истеъмолчи"дан етказиб бериладиган электр энергияси учун олдиндан тегишли хакни тулашини ва амалдаги конун хужжатларида белгиланган тартибда узил-кесил хисоб-китобларни амалга оширишни;

б)шартомага ёки шартнома асосида берилган буюртманомага мувофик етказиб берилган электр энергиясини кабул килишни асоссиз рад этиш натижасида етказилган зарарни коплашни "Истеъмолчи"дан талаб килишга хаклидир:

в) унинг вакили тегишли амал килиш муддати билан шахсий гувохномаси мавжуд булганда электр хисоблагичларни куриб текширади;

г) маънавий жихатдан эскирган электр энергиясини индукцион хисобга олиш приборларини режа асосида Давлат текширувидан утказмайди хамда УзР Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 512-сонли Карорига мувофик уларни замонавий электрон хисоблагичларга алмаштирилишини талаб килади.

2.4.Таъминотчининг мажбуриятлари:

а)конун хужжатларига мувофик ушбу шартнома мажбуриятларининг уз муддатда бажарилишини таъминлаш;

б) «Истеъмолчи»га шартномада курсатижан микдордаги электр энергиясини электр тармокларининг булиниш чегарасига етказиб бериш;

в)электр тармокларининг баланс буйича тегишлилик чегарасида электр энергиясининг сифат курсаткичларини

шартнома ва стандартларда белгиланган микдорда саклаш;
г)электр энергиясининг "Истеъмолчи"га узлуксиз ("Электр ускуналарининг курилма коидалари" 1.2.1 банди асосида) етказиб берилишини таъминлаш;
д)электр тармокларини режали таъмирлашда электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин булган узилишлар тугрисида "Истеъмолчи"ни камида 3 сутка олдин огохлантириш;
е)электр энергиясидан асоссиз узишга йул куймаслик ва "Истеъмолчи"га электр энергияси беришнинг режадан ташкари тухтатилиши сабабларини хабар килиш;
ж)"Истеъмолчи"га электр хисоблагичларининг амалдаги норматив хужжатлар талабларига мувофик алмаштириш муддатларини хабар килиш;
ж)жорий этиладиган чекланлар хакида чеклашнинг жорий этилиш хажми ва вактини курсатган холда 0,5 кун олдин хабар килиш;
з) энергия тарифи узгарганда урнатилган тартибда "Истеъмолчи"га билдириш.
и) "Элекр энергиясидан фойдаланиш коидалари"га (УзР Вазирлар Махкамасининг 2005 йил 27 январдаги 32-сонли Карорига 1-илова), электр энергяси истеъмолчилари ва энергия таъминоти ташкилотлари уртасида хисоб-китоблар тартиби тугрисида Низомга (УзР Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли Карорига 2-илова) риоя килишни.

## III. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ НАРХИ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1. Шартноманинг тузилган вактдаги умумий йиллик бахоси ______________________________
(______________________________________________) сумни ташкил этади.

(сумла)

| 2021 йил жами | 1-чорак | | | 2-чорак | | | 3-чорак | | | 4-чорак | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Январ | Феврал | Март | Апрел | Май | Июн | Июл | Август | Сентябр | Октябр | Ноябр | Декабр |
| бюджет | 18382050 | 18382050 | 18412200 | | | | | | | | | |

Электр энергияси тарифи бир ставкали, икки ставкали, табакалаштирилган ставкада белгиланади.*( зарур булмагани учирилади)*
Шартнома буйича етказиб бериладиган электр энергиясининг тарифлари берилади.
3.2.Навбатдаги ой учун етказиб бериш назарда тутилган ресурслар хажмининг камида 50 фоиздан кам булмаган микдорида олдиндан ___28___ санасигача хак аванс тарикасида туланади. истеъмол килинган электр энергияси учун колган сумма 30 кун мобайнида тулик тулаб берилади.
3.3. Етказиб берилган электр энергияси учун тулов пул утказиш йули билан хисоб-китоб килинади.( хисоб-китоб килиш шакли курсатилади)
3.4. "Истеъмолчи"нинг айби билан шартномада курсатилган хажмларга нисбатан электр энергияси кам истеъмол килинганда туланган аванс маблаглари кайтарилмайди, балки истеъмол килинган электр энергияси учун кейинги хисоб-китобларда хисобга олинади.
3.5. "Истемолчи" хар ойда булиниш чегараларида урнатилган хисобга олиш приборлари курсаткичларини ёзиб олади. Ушбу курсаткичлар асосида ўлчов трансформаторлари коэффициентларини хисобга олган холда истеъмол микдори ва фойдаланилган электр энергияси учун тўлов суммаси аникланади.
Белгиланган шаклдаги хисобот "Таъминотчи"га 28-санасига муддатда юборилади.
3.6. Хисоб-китоб электр хисоблагичи бўлиниш чегарасида ўрнатилмаган такдирда электр тармогининг баланс бўйича тегишлилик чегарасидан электр хисоблагич ўрнатилган жойгача электр энергияси йўкотилиши микдори "Истеъмолчи" билан биргаликда хисоб-китоб йўли билан аникланади ва тўлов учун "Истеъмолчи"га берилган фойдали электр энергияси билан жамланади.
3.7. Такдим этилган белгиланган шаклдаги хисоботга асосан "Таъминотчи" "Истеъмолчи"га хисоб-фактура ёзиб беради.
Хар хил тариф гурухига таалукли бир неча объектларга эга истеъмолчилар билан хисоб-китоблар хар бир тариф гурухига урнатилган хисобга олиш приборлари курсаткичлари буйича амалга оширилади, лекин шунинг билан бирга хар бир объект бўйича билиб кўрсатилган битта хисоб-фактура ёзиб берилади.
Кисман (тулик хажмда эмас) хак туланганда, "Истеъмолчи" тулов хужжатида кайси тариф гурухлари буйича тулов биринчи навбатда амалга оширилаётганини курсатиши керак. Акс холда, "Таъминотчи" тариф гурухлари буйича карздорликни бартараф этиш навбатини мустакил белгилаш хукукига эга.
Электр энергияси истеъмоли хакида хисобот такдим этилмаганда, электр таъминоти ташкилоти шартномавий электр истеъмоли хажми буйича хисоб-китоб ойига кейинчалик амалда истеъмол щилинган электр энергияси буйича кайта хисоб-китоб килган холда хисоб-китобни амалга оширади.
Ортикча туланган маблаглар кайтарилмасдан аванс тулови тарикасида хисобга олинади.
3.8. "Истеъмолчи" томонидан тегишли ойга етказиб берилиши кузда тутилган электр энергияси хажми кийматининг 50 фоиздан кам (олдиндан тулов микдори курсатилсин, лекин 50 фоиздан кам булмасин) булмаган микдорида олдиндан тулов амалга оширилганда электр энергияси хар ойда етказиб берилади.
Якуний хисоб-китоб эса 30 кун давомида (якуний хисоб-китоб муддати курсатилсин, лекин 30 кундан ортмасин) амалга оширилади. "Истеъмолчи" да электр энергияси учун 90 кундан ортик (муддати юкорида курсатилган) муддати утган карздорлиги мавжуд булганда, аванс тулови тарикасида туланган маблаглар муддати утган карздорликни бартараф этишга йуналтирилади ва аванс тулови тарикасида хисобга олинмайди.

"Истеъмолчи" бир неча тариф гурухига эга булса, у олдиндан тулов хужжатида тариф гурухи буйича электр энергияси суммаси ва ёки микдорини курсатиши керак. Акс холда, "Таъминотчи" тариф гурухлари буйича карздорликни бартараф этиш навбатини мустакил белгилаш хукукига эга.

3.9. Узил-кесил хисоб китоб кўрсатилган муддатларда амалга оширилмаган такдирда "Таъминотчи" "Истеъмолчи"га электр энергия беришни тўхтатади (шартноманинг 5.5 бандида кўрсатилган "Истеъмолчи"лар бундан мустасно). Бир вактнинг ўзида, "Таъминотчи" электр энергияси етказиб бериш далолатномаси асосида амалга оширилган тўловлар суммасини чиқариб ташлаган холда хизмат кўрсатувчи банк оркали хисобот ойида етказиб берилган электр энергияси суммасига акцепт билан тўлов-талабномаси беради.

## IV. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА УНИ КАБУЛ КИЛИБ ОЛИШ ТАРТИБИ

4.1.Шартномада курсатилган мажбуриятлар шартнома шартлари ва конун хужжатлари талабларига мувофик тарзда бажарилиши керак.Агар томонлар уз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб хисобланади.

4.2.Электр энергиясини етказиб бериш шартномада ёки шартнома асосида берилган буюртманомада курсатилган муддатлар ва хажмларда мазкур шартномада курсатилган давр мобайнида амалга оширилади . "Таъминотчи" буюртманомаларни руйхатдан утказиш дафтарини юритади.

4.3. "Истеъмолчи" илгари берилган буюртманомани бекор килишга ёки ундаги электр энергиясини етказиб бериш микдори ва санасини узгартиришга хаклидир, бу хакда "Таъминотчи"ни буюртманомада курсатилган сана бошланишидан жорий ой тамом булишигача камида 10 кун олдин хабардор килади.

## V. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ БЕРИШНИ ТУХТАТИШ ВА УЗИБ КУЙИШ ТАРТИБИ

5.1.Электр энергияси беришдаги узилишларга, электр энергиясини беришни тухтатиш ёки чеклашга томонлар келишувига мувофик йул куйилади.

5.2. "Истеъмолчи" билан келишмасдан ва уни огохлантирмасдан, бирок унга дархол хабар берган холда электр энергияси беришни вактинча узиб куйиш, тухтатиш ёки чеклашга "Таъминотчи" тизимида авариянинг олдини олиш ёки уни тугатиш учун кечиктириб булмайдиган чораларни куриш зарур булган холларда йул куйилади.

5.3.Электр энергияси истеъмолининг белгиланган режими бузилганда:

шартномада назарда тутилган электр энергияси хажми кийматининг камида 50 фоизини олдиндан туламаганда;

хисоб-китоб ойи тамом булгандан кейин 30 кун мобайнида истеъмол килинган электр энергияси учун туланмаган карзи мавжуд булганда;

"Истеъмолчи" электр энергияси тармогига узбошимчалик билан уланганда ёки кувват шартномада келишилган микдордан оширилганда;

"Узстандарт" агентлиги органлари томонидан текширилган истеъмол килинадиган энергияни хисобга олиш приборларига эга булмаганда;

"Таъминотчи"нинг вакили соат 8.00 дан 20.00 гача булган давр мобайнида хисоблаш приборларини куришга асоссиз куйилмаганда, "Таъминотчи" электр энергияси беришни тухтатиб куйиш хукукига эга булади.

5.4."Истеъмолчи"дан хисобга олиш прибори булмаганда хисобга олиш прибори "Истеъмолчи"нинг айби билан шикастланганда;

хисобга олиш приборларини ишга тушириш схемаси узгарганда ёки хисоблагичдан ташкари нагрузка уланганда;

фойдаланилган электр энергияси учун хак белгиланган муддатларда туланмаганда "Истеъмолчи" 1 кун олдин огохлантирилиб электр энергияси тармогидан узиб куйилади;

5.5.Электр энергиясини узиб куйиш техноген ва авария окибатларига олиб келиши мумкин булган, алохида хавф ва узлуксиз технология жараёнига эга булган (Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 1-ноябрдаги Электр энергиясидан фойдаланганлик учун хисоб-китоб килиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тугрисида" ги 511-сон Карор низомининг 1-иловасидаги руйхатга киритилган) истеъмолчиларнинг тулов муддати утган карзлари вужудга келган такдирда хаки туланмаганлиги учун электр энергияси берилишини чеклаш, белгиланган тартибда энергия билан таъминлашнинг технологик ва аварияли бронигача, тулик узиб куйиш эса факат суд карорига кура амалга оширилиши мумкин. "Таъминотчи" ва "Истеъмолчи" томонидан имзоланган технологик ва аварияли брони далолатномалари шартноманинг узвий кисми хисобланади.

## VI. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1.Электр энергияси етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, 5 фоиздан куп микдорда электр энергияси етказиб берилмаган холларда "Таъминотчи" "Истеъмолчи"га муддати утказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятлар бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тулайди, бирок пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган электр энергияси кийматининг 50 фоиздан ортик булмаслиги керак. Пеня тулаш "Таъминотчи"ни шартноманинг зарур даражада бажарилишидан ва электр энергияси етказиб бериш кечиктирилганлиги ёки тулик етказиб берилмаганлиги туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод килмайди.

6.2.Етказиб берилган электр энергияси хакини уз вактида туламагани учун "Истеъмолчи" "Таъминотчи"га утказиб юборилган хар бир кун учун тулов суммасининг 0,4 фоизи (махсус тартибга кура электр энергияси бериладиган корхоналар учун 0.2 фоиз) микдорида, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоиздан ортик булмаган микдорда пеня тулайди.

6.3."Истеъмолчи"нинг таклифига кура мулжалланаётган узгартиришларгача 10 кундан кеч булмаган муддатда киритилган электр энергиясининг шартномадаги хажмларининг узгартирилиши электр энергиясини кам олиш ёки ортикча олиш деб хисобланмайди.

6.4.Ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик ва бошка масалалар Узбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатлари билан тартибга солинади.

## VII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ

7.1.Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан такдирда томонлар, конунга кура уларни судга хал этиш юзасидан тегишли чораларни курадилар.

Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга мурожаат килишга хам хаклидир.

7.2.Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама узгартиришга йул куйилмайди, конун хужжатларида белгиланган холлар бундан мустасно.

## VIII. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

8.1. Томонлардан бири шартномани енгиб булмайдиган куч, яъни фавкулодда ва муайян шароитларда олдини олиб булмайдиган вазиятлар ( зилзила, сув тошкини, ва бошка табиий офатлар) (форс-мажор) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар булмайди.

## IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШИ

9.1. Шартноманинг амал килиш муддати 2022 йил « 20 » январдан 2022 « 31 » декабрь гача.

9.2.Мазкур шартномага узгартиришлар (кушимчалар) томонлар имзолаган пайтдан кейин бажарилиши керак

9.3.Мазкур шартномага хар кандай узгартириш ва кушимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил килинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан хакикий хисобланади.

9.4. Тарафлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган тақдирда тўхтатилади.

9.5. Томонлар уртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган такдирда тухтатилади.

## X. ЯКУНИЙ КОИДАЛАР

10.1.Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кура ёки бошка томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган такдирда, томонлардан бирининг талаби буйича суд тартибида бекор килиниши мумкин.

10.2.Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, томонларнинг хар бирига бир нусхадан колдирилади. Шартноманинг хар иккала нусхазари тенг юридик кучга эга.

### XI. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Таъминотчи»
Шахрисабз ТЭТК
(таъминотчининг номи)
Манзил: Шахрисабз туман Ипак йўли кўча 102 уй

Тел.факс 522-79-55
Х/В 22636000200177786513
Банк номи Карши Саноат курилиш банк мин.фил
МФО 00854
ИНН 200666194
ОКОНХ 11170

Рахбар ____________ (Имзо) (Ф.И.Ш)

М.У

«Истеъмолчи»
Шахрисабз туман ХТБ
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)
Манзил: Шахрисабз туман Ипак йўли кўча № 2 уй

Тел. фак 522-74-07

ш/х* 100022860102457092100073
бюджет маблағ олув ИНН206961440 ОКОНХ 97600
Узбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Газначил

Газна Х/В 23402000300100001010
Банк номи Марказий банк Тошкент шахар бош Бошкармаси хисоб-китоб касса маркази
МФО 00014 Газначилик ИНН 201122919

Рахбар ____________ Имзо (Ф.И.Ш)

Ушбу 2022 йил « 20 » январ даги № 360613/ сонли билан ____________ уртасида тузилган шартнома Узбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1 сонли «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида»ги Конуни талабларига мос келади

Хукукшунос: ____________ (имзо) ____________ (Ф.И.Ш)

М.Ў.

2022 йил « 20 » январь даги
№ 360615/1 сонли шартномага 1-сонли
Илова

Шахрисабз туман электр тармоклари корхонаси томонидан 2021 йил давомида етказиб бериладиган электр энергияси куввати

| Ойлар | Улчов бирлиги | Микдори (КВТ) | Нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|
| Январ | КВТ | 40849 | 450 | 18382050 |
| Феврал | КВТ | 40849 | 450 | 18382050 |
| Март | КВТ | 40916 | 450 | 18412200 |
| 1-чорак жами | КВТ | 122614 | | 55176300 |
| Апрел | КВТ | | | |
| Май | КВТ | | | |
| Июн | КВТ | | | |
| 2-чорак жами | КВТ | | | |
| Июл | КВТ | | | |
| Август | КВТ | | | |
| Сентябр | КВТ | | | |
| 3-чорак жами | КВТ | | | |
| Октябр | КВТ | | | |
| Ноябр | КВТ | | | |
| Декабр | КВТ | | | |
| 4-чорак жами | КВТ | | | |
| Хаммаси 2022 йил | КВТ | 122614 | 450 | 55176300 |

Шахрисабз туман электр тармоклари
бошлиги:

(имзо) (имзо)

М.У

SHAHRISABZ TUMAN ELEKTR TA'MINOTI KORXONASI

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: RX2535260144

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi – shartnoma.

2. Loyihaning nomi – Shahrisabz tuman elektr ta'minoti korxonasi va Shahrisabz tumani xalq ta'lim bo'limi o'rtasida tuzilgan 55 176 300 (ellik besh ming bir yuz yetmish olti ming uch yuz) so'mni tashkil etuvchi elektr energiyasi yetkazib berish va undan foydalanish to'g'risida shartnomasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana – Shahrisabz tumani xalq ta'lim bo'limi, 2022-yil 18-yanvar.

4. Loyiha bo'yicha taklif va (yoki) e'tirozlar: yuq

XULOSA: Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Shahrisabz tuman yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti** **F.F.Karimov**

**2022-yil 19-yanvar**